




# TIBBIYOTNOMA

TOSHKENT TIBBIYOT AKADEMIYASI NASHRI

№ 04 2021 YIL 26 APREL  
(MAXSUS SON)

## 9 МАЙ – ХОТИРА ВА ҚАДРЛАШ КУНИ

### ХОТИРА – МУҚАДДАС, ҚАДР – АЗИЗ



**Аждодларни хотирлаш, эзгу ишларини ёдга олиш, қолаверса, бу ёруғ дунёда умргузаронлик қилиб, кексалик гаштини сураётган фахрийларимизни ардоқлаш, уларга ғамхўрлик кўрсатиш халқимизнинг қон-қонига сингиб кетган.**

Юртимизда 9 май – Хотира ва Қадрлаш куни сифатида нишонланиб келаётгани бунинг яққол тасдиғидир. Асосийси, юртимизда тинчлик ҳамда осойишталик баробарида, инсон хотираси ва қадрининг шундай юксак улуғланаётгани фарзандларимиз учун тенгсиз сабоқ ҳамда муносиб ибрат бўлиб қолади.

Ўтганлар хотирасини ёд этиб, эзгу ишларини давом эттириш, юртимиз тинчлиги ва равнақи йўлида, турли соҳалар жумладан тиббиёт соҳасида хизмат қилган кексаларга

алоҳида хурмат-эътибор кўрсатиш халқимизга хос азалий қадриятга айланган. Ҳар бир гўшада ўтганлар хотирасини ёд олиш, барҳаётларини асраб-авайлаш давом этмоқда. Тошкент тиббиёт академиясида ҳам бундай хайрли ишларга эътибор қаратиб келинади. Илм-фан ривожига қўшган ўз касбининг фидойилари, олимлар ва профессорларни санаб адоғи ета олмаймиз. Илм-фан фидойилари ҳамда эътирофу эҳтиромга лойиқ инсонлар ҳақидаги мақолалар билан танишинг.

Қадрлаш (қадр, қадрият) – ўзбек тилининг изоҳли луғатида бирор-бир инсон, сана, маросимни ҳурматини бошқалардан баландроқ кўтарган ҳолда маромига етказиш, қийматини кўтариш маъноларида келтирилади.

9 май – Хотира ва Қадрлаш куни муносабати билан биз кўп йиллар мобайнида Академиямизда фаолият юритиб, аини кунларда кексалик гаштини сураётган устозларимиз ҳақида сатрлар битишга жазм этдик. “Тиббиётнома” рўзномаси мўъжазгина бўлгани боис айрим устозлар ҳақида сатрлар битилди, аксари уларнинг ҳар бирларини алоҳида китоб қилиб чоп эттирган бўлсак-да озлик қилади. Қолган устозлар ҳақидаги битикларимизни эса Академиямиз веб-сайтида ўқишингиз мумкин.

Ҳикмат



Урушда ҳалок бўлган ҳар бир  
ўзбекистонлик – Ватанимиз фарзандидир



Ҳикмат

## ШИФОКОРЛИК БУ ҲАЁТ ТАРЗИ...

**Қадимги Юнонистоннинг буюк файласуфи Суқрот дунёдаги барча касблар – одамларга боғлиқдир, фақатгина учтасигина – худодан берилган, деб айтган эди.**

Қозилик, муаллимлик ва шифокорлик қобилиятини, до-нишманднинг таърифиға кўра, худодан олишади. Шифокорлик касбини ҳар доим энг ҳурматли ва фахрий касблардан бири сифатида баҳолашган. Агар оддий инсон бошқа бир инсон ҳаётини сақлаб қолса, уни қаҳрамон сифатида қутлашади, унга мукофот тақдим этишади, унинг тўғрисида мақолалар ёзишади. Шифокор учун инсонлар ҳаётини сақлаб қолиш кундалик машаққатли меҳнат ҳисобланади.

Мамлакатимиз ажойиб шифокорларга бойдир. Уларнинг кўпчилигини номи тиббиёт тарихига кирган, улар ўз бурчи, ўз касби, ўз Ватанига садоқатли хизмат қилиш намунаси ҳисобланади. Ана шундайлардан бири Турғунпўлат Обидович Даминов ҳисобланади.

Т.Даминов – таниқли фан арбоби, шифокор. У олим ва ташкилотчи сифатида ўзининг илмий янгиликлари (тадқиқотлари) ва чоп этилган асарлари билан «Педиатрия» ва «Юқумли касалликлар» каби тиббиётнинг муҳим йўналишларини ривожлантириб, уни бойитишда саломатли ҳисса кўшиб келаётган изланувчи ва шу соҳада муайян, самарали илмий мактабни яратган йирик мутахассисдир.

Турғунпўлат Даминов 1941 йилнинг 26 апрелида Тошкент шаҳрида хизматчилар оиласида дунёга келди. 1958 йилда ўрта мактабни олтин медал билан тамомлаб, шу йили танловдан муваффақиятли ўтиб, Тошкент Давлат Тиббиёт Институти талабаси бўлди. Бу ерда у пухта назарий билимлар, беморларни текширув кўникмаларини эгаллади, шунингдек, ушбу даргоҳда талабалар тўғрақларида илмий ишлар алифбоси билан биринчи марта тўқнаш келди. Талабалик йиллари матонатли билим олиш, тиббий билимларни чуқур эгаллаш билан тўла бўлган, бу ерда у яна бир жиҳатни – инсонлар билан қандай муносабатда бўлишни, улар билан дўстлашиш ва инсонларнинг виждонлилигига ишониш-

ни ўрганди. Ушбу жиҳатлар Турғунпўлат Обидовичнинг табиатиға хос бўлган иродасининг мустаҳкамлигини, интилувчанликни, собитқадамликни ва қатъийликни ривожлантирди, буларнинг барчаси кейинчалик унга асқотди.

1964 йилда Т.Даминов институти имтиёзли диплом билан тамомлади. Ўша йилдан буён у шогирд-тадқиқотчиликдан бошлаб, ҳозирги кунда кафедра профессори сифатида юқумли ва болалар юқумли касалликлари кафедрасида ишлаб келмоқда.

1969 йилда «К вопросу клинического течения тифопаратифозных заболеваний у детей в сочетании с туберкулезом» мавзусидаги номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди. «Клинико-иммунологические особенности острого и затяжного вирусного гепатита А и В у детей» мавзусидаги докторлик диссертацияси Т.Даминов Россия Тиббиёт Фанлари Академияси академиги В.Учайкин ва Латвия ФА академиги А.Блюгер раҳбарлигида Латвия гепатологик маркази ва II Москва Медицина Институти болалар юқумли касалликлари кафедраси базаларида бажарди, 1986 йилда Россия Медицина Академияси Педиатрия Илмий текшириш институтида муваффақиятли ҳимоя қилинди.

Т.Даминовнинг юқори ма-лакали мутахассис ва илмий ходим сифатида шаклланишида Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган фан арбоблари, профессорлар Х.Юнусова ва О.Махмудов каби олимларнинг ҳаётий тажрибалари ва касбга оид кўникмалари муҳим ўринни эгаллади.

Т.Даминов илмий ишларининг натижалари миллий ва халқаро симпозиумларда, конгрессларда, педиатрия съездларида, пленумларда, муаммоли ҳайъат йиғилишларида ва фанлараро конференцияларда доимий равишда баён қилинган. У 500 тадан ортиқ доимий равишда чоп этилаётган нашрларнинг, улардан 6 та дарслик,

14 та монография, 45 тадан ортиқ услубий тавсияномалар ва қўлланмалар муаллифи ҳисобланади.

Унинг раҳбарлигида 21 та докторлик ва 43 тадан ортиқ номзодлик диссертациялари ҳимоя қилинган. Унинг томонидан бутун бир йирик олимлар – педиатрлар ва инфекционистларнинг атоқли арбоблари етиштирилган, республикада кенг миқёсда маълум бўлган инфекционистлар ва гепатологларнинг мактаби яратилган. Шогирдларининг кўпчилиги ҳозирги кунда ўзлари қатор тадқиқот йўналишларини бошқаришади ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлашда етакчилик қилишади. Шунинг таъкидлаб ўтиш керакки, Т.Даминовнинг шогирдлари нафақат Ўзбекистоннинг кўпчилиги ҳудудларида, балки МДҲ ва узоқ чет мамлакатларида самарали иш олиб боришади.

Турғунпўлат Даминовнинг илмий, шифокорлик ва педагогик фаолияти катта маъмурий – жамоатчилик ишлари билан муваффақиятли мужассамланган.

Хизматлари давлатимиз ва илмий-тиббий уюшма томонидан эътироф қилиниб, «Дўстлик» ордени, «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган врач» фахрий унвонлари, «Эл-юрт ҳурмати» ордени билан тақдирланди.

1995 йилда Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг мухбир аъзоси, 2000 йилда – унинг ҳақиқий аъзоси, академиги этиб сайланди. 1999 йилда у Польша Медицина Академияси ҳақиқий аъзоси этиб сайланган. 2004 йилда Россия Федерацияси тиббий-техник фанлар Академиясининг ҳақиқий аъзоси (академиги) этиб сайланди. Илмий ихтиролари учун Альберт Швейцер халқаро олтин медали билан тақдирланган.

Т.Даминовнинг илмий дунёқарашининг кенглиги ва бой клиник тажрибаси ҳозирги кунда аҳоли соғлиғини сақлашда мамлакат тизими учун аҳамиятли.



Бунга тасдиқ тариқасида – Т.Даминовнинг илмий грант дастурларининг раҳбари, юқумли касалликлари бўйича ихтисослаштирилган семинар раиси, Ўзбекистон Тиббиёт журнали бош муҳаррир ўринбосари, Марказий Осиё тиббиёт журнали таҳрир ҳайъатининг аъзоси эканлиги асос бўлиб ҳисобланади, шунингдек, у қатор илмий-амалий дастурлар координатори ва эксперти, илмий симпозиумларнинг ва амалий шифокорлар учун мактабларнинг ташкилотчиси ҳисобланади. Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилоти (ЖССТ) эксперти бўлган вақтида Т.Даминов республикамизда полиомиелитни тугатиш йўналишида ўзининг катта ҳиссасини кўшган.

Хайрихоҳлик, юқори масъулиятлилик, юксак ақл-заковат ва профессионализм, шунингдек, табиатдан камтаринлик билан зиёиликнинг мужассамлиги – бу фазилатларнинг барчаси Т.Даминовни ҳар доим бошқалардан ажратиб туради.

Тиббиёт Турғунпўлат Обидовичнинг нафақат ҳаёти балки унинг тақдирига жиддий ва узоқ муддатга кириб келди. Оилавий аънъаналарни давом эттирган ҳолда шифокорлик фаолиятини унинг фарзандлари – қизи ва ўғли танлашган.

Азиз устозимиз, табаррук ёшингиз билан мазмунли ва шижоатга бой ҳаётингизнинг 80 йиллиги билан чин қалбимиздан табриклаймиз. Сизга кечирган салмоқли йиллардаги ёрқин ва бахтли хотираларни, шунингдек, ҳозирги ҳаётингиздаги шод ва қувончли дақиқалар ҳамда келажакда мустаҳкам соғлиқ ва барқарор фаровонлик тилаймиз.

**Шогирдларингиз  
ва кафедра ходимлари**



**Улуғ олимимиз ҳақида битилган мўъжазгина мақоламизни бежиз шундай номламадик, зеро, ҳақиқий олим ўз юрти, ўзи истиқомат қилаётган жамиятининг ҳақиқий кўмакчиси ҳисобланади.**

## ОЛИМ – ЖАМИЯТНИНГ КЎМАКЧИСИ



Тиббиёт фанлари доктори, профессор, фармаколог Ўзув Боқиевич Зокиров 1934 йилнинг 17 сентябрида Тошкент шаҳрида хизматчи оиласида туғилган. 1952 йилда Тошкентдаги 14-мактабни олтин медаль билан тамомлади. Болалигиданоқ табобатга, дори-шуносликка қизиқиши уни тиббиёт олийгоҳига етаклаб келди. 1952-1958 йиллар давомида ТошДавМи таҳсил олиб, имтиёзли диплом билан тамомлади. Олийгоҳдан сўнг ўзини илмий соҳага бағишлади. 1958-1961 йиллар мобайнида Бутуниттифоқ Медицина фанлари академиясига қарашли Фармакология Институтининг аспиранти сифатида доришунослик сирасорларини ўрганди. Ў.Зокиров аспирантурани ботириб келгач, 1961-1962 йилларда Ўзбекистон ФА Ўсимлик моддалари кимёси институти (ЎМКИ) фармакология лабораториясининг кичик илмий ходими сифатида фаолият юритиб, 1962 йилда Москва шаҳрида “К фармакологии нового нейро-гипотического средства метеразина” мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди. Илмий изланишларининг аҳамиятига келсак, жаҳонда биринчилардан бўлиб, асаб-руҳий касалликларни даволашда таклиф этилаётган янги метеразин препаратининг самарадорлиги, ножўя таъсирлари, асоратлари ва турли ёшдаги одамларда дозасини ўрганди ва клиникага кенг қўлланилиши учун йўл очиб берди.

1962-1969 йиллар мобайнида ЎзФА ЎМКИ фармакология лабораториясининг катта илмий

ходими сифатида фаолият юритиш билан бирга илмий-тадқиқот ишларини давом эттириб, 1968 йилда Москва шаҳрида “Фармакология алкалоидов растений рода Унгерния и их производных” мавзусидаги докторлик диссертациясини ҳимоя қилди. Мазкур изланишларнинг моҳияти ҳам жаҳон фармакология саноатида улкан ютуқлардан бири бўлиб, халқ табобатидан жуда кам изланишлар қилинаётган ўша йиллари учун жасорат эди. Олимнинг мазкур илмий тадқиқотлари нафақат Собиқ Иттифоқ, балки жаҳон доришунослигида халқ табобати ютуқларидан кенг фойдаланиш учун катта йўл очиб берди. Докторлик диссертациясини ҳимоясидан кейин 1969-1970 йиллар мобайнида ТошДавМи фармакология кафедрасининг доценти, 1970-1978 йиллар оралигида эса — ТошДавМи фармакология кафедрасининг профессори сифатида илмий, педагогик, раҳбарлик ва ташкилотчилик ишларини олиб борди. 1970-1972 йилларда ТошДавМи ходимлари касаб-кўмитасининг раиси сифатида профессор ўқитувчиларни рағбатлантириш бўйича мислсиз ислохотлар олиб борди. 1972 йилда – Бутуниттифоқ фармакологлар илмий жамиятининг пленуми уюштирилган бўлиб, олим уни ташкил этиш ва раҳбарлик қилишда жонбозлик кўрсатди. 1978-1985 ва 1988-2004 йиллар мобайнида ТошДавМи (1990 йилдан 1-ТошДавТИ) фармакология кафедрасининг мудирини, 1978 ва 1984 йй. Ўзбекистон Халқ хўжалиги кўргазмасида Ўзбекистон фарма-

кологиясининг ютуқлари — халқ саломатлиги хизматида” муаммоси бўйича иштирок этди. 1978-1982 йилларда ТошДавМи малака ошириш факультетининг декани ва Ёш педагоглар университетининг ректори, 1980-2000 йилларда ЎзР ССВ Илмий тиббий кенгашига (УМС) қарашли “Фармакология ва фармация” муаммоли кенгашининг раиси сифатида ишлади. 1982-1995 йилларда Бутуниттифоқ фармакологлари илмий жамияти президиумининг аъзоси бўлиб, 1984 йилда “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби” фахрий унвони берилган. 1985-1988 йилларда ТошФарМи ректори лавозимида ишлади. 1995-1998 йилларда ЎзР ССВ Фармакологик кўмитасининг раиси бўлиб, 1999 йилда АҚШнинг Библиографик институти “Йил одами” (“Человек года”) фахрий унвони ва олтин медаль билан тақдирлади.

Ў.Зокировнинг илм-фан соҳасига қўшган ҳиссаси, шогирдлар тайёрлашдаги қимматли ўғитлари таҳсинга сазовор. Сўзимизни нафақат Ўзбекистон, балки жаҳон доришунослик фани назарияси ҳамда амалиётига улкан ҳисса қўшган, Академиямиз нуфузини жаҳон илми аҳкомлари олдида беқиёс оширган улуғ олимимизни умрлари узун бўлсин, дея яқунлаймиз.

**Алижон ЗОХИДИЙ,**  
Республика Ёзувчилар  
уюшмаси аъзоси, т.ф.д  
Қутбиддин НИЗОМОВ,  
Турон фанлар академияси  
академиги



## ТИНИБ-ТИНЧИМАС ОЛИМА...

**Тиниб-тинчимайдиган, изланувчан, билим олишга интилувчан, олган билимини бойитиб, чархлаб турадиган инсонлар ўз меҳнатлари билан эътирофу эҳтиромга сазовор бўлишади. Ана шундай инсонлардан бири Тиббий ва биологик кимё кафедрасининг фахрий профессори Касимова Сталина Салиховна бу йил муборак 85 ёшни қарши олади.**

Шу кунларда уйда бўлишларига қарамай изланишдан, илм билан шуғулланишдан чарчамайдиган фахрий устозни кўргани борганимда ҳар доимгидек компьютер олдида, ҳаёти давомида босиб ўтган йўллар ҳақида китоб ёзиб ўтирганларига гувоҳ бўлдим.

Профессор С.Касимова 1936 йил 27 декабрда Самарқанд шаҳрида туғилган. 1954 йилда ўрта мактабни битириб, Ўрта Осиё Политехника институтининг кимё-технология факультетига ўқишга киради. Олийгоҳни 1959 йилда «Силикат технология»си мутахассислиги бўйича имтиёзли битирган қаҳрамонимиз 1959 йилда Ўзбекистон Республикаси ФА Кимё институтида катта тажрибакор бўлиб ишлаган. 1960 йили аспирантурага кириб, СССР Фанлар Академиясининг Силикатлар кимёси институтига сафарбар қилиниб (Ленинград шаҳри), у ерда 1964 йили «Натрий-стронций-силикатли шишаларининг физик-кимёвий хоссалари» мавзусида техника фанлари номзоди илмий даражаси олиш учун диссертацияни ҳимоя қилиб, Ўзбекистон Республикаси ФА Кимё институтига ишга қайтдилар. 1966-1970 йилларда С.Касимова ЎзССР Вазирлар Маҳкамасида Фан бўлимида катта референт бўлиб ишлаган бўлса, 1970 йилда ЎзССР ФА Кимё институтига катта илмий ходим қилиб ўтказилди ва Ленинграддаги С.И.Вавилов номидаги Давлат оптика институтига сафарбар қилинди. У ерда 1975 йилда докторлик диссертациясини саноатда ишлатиладиган лазер атермал шишаларини яратишга бағишланган иш бўйича ҳимоя қилиб, техника фанлари доктори илмий даражасини олди.

С.Касимова – шишалар синтези соҳаси ва уларнинг хоссаларини ўрганишда етук мутахассис ҳисобланади. Айнан олима биринчи бўлиб шишанинг кўпгина хоссалари бўйича систематик тадқиқотлар ўтказди. Янги лазер атермал шишаси сифатида ГПС 10 лазер шишаси саноатдаги лазер шишалар ичида биринчи қаторда туради. Бу шундай шиша ҳисобланадими, у кенг кўламда ишлатиладиган атермал шишалар ичида энг

яхшиси ва рангсиз оптик тузилмалардаги шишалар сифатида ҳам ишлатилиши мумкин.

Голландияда инглиз тилида чиқарилган маълумотномалар тўпламида С.Касимованинг ишлари 65 мартаба қайд қилинган. Ишларининг назарий ва экспериментал натижалари «Стронций в стекле» ва «Микротвёрдость хрупких оптических материалов» монографияларида умумлаштирилган. Бу монографиялар маҳаллий ва чет эл журналларида кўзга кўринган мутахассислар томонидан юқори баҳолангани таҳсинга сазовор. С.Касимова 450 илмий ишлар, шу жумладан 16 та монография, 12 та СССР муаллифлик гувоҳномаларининг муаллифи ҳисобланади. Шулардан 100 таси МДХ нашриётларида, 80 таси эса халқаро нашриётларда инглиз тилида чоп этилган. Бундан ташқари профессор 2 та фан доктори ва 15 та фан номзодларига раҳбарлик қилган.

Шу ўринда С.Касимова бир қатор республика ва халқаро конференцияларда ўз маърузалари билан қатнашганини айтиш жоиз. Изланишларининг натижаси Бельгия, Япония, Германия, Ҳиндистон, Испания, Хитой, АҚШ, Япония, Италия, Голландия, Болгария, Туркия, Англия, Португалия, Швейцария, Франция, Австрия, Чехия ва бошқа мамлакатлардаги халқаро конгрессларда маърузаларда ёритилган.

Олима йиллар мобайнида илмий изланишлар олиб борди. 1981 йилда «Анорганик ва физколлоид кимё» кафедраси бўйича профессор илмий унвонини олганини айтиш жоиз. У 1990 йилда тиббиёт институтларининг талабалари учун «Биогенные элементы» (Тошкент), 1997 йилда «Биогендик элементтер» (Бишкек) қирғиз тилида, 2001 йилда «Умумий ва биоорганик кимёдан амалий машғулотлар» (кирилл алифбосида), 2005 йилда эса «Umumiy va biorganik kimyodan amaliy mashg'ulotlar» ўзбек тилида лотин графикасида, 2010 йилда «Нанотехнологии в медицине», 2011 йилда «Физическая и коллоидная



химия», 2011 йилда «Хужайра кибернетикаси. Нанотехнологиялар», 2017 йилда «Нанотехнологии в строительстве и архитектуре XXI века» дарсликларини, 2020 йилда «Здравствуйте роботы!!!» номли илмий-оммабоп адабиётни яратдилар. Нафақада уйда ўтириб, дунё янгиликлардан четда қолмай ва илмнинг энг замонавий йўналишлари билан қизиқишга қолмай, ёш авлод билан улашишга интилишларини эътироф этиш жоиз.

Олиманинг «Умумий ва биоорганик кимёдан амалий машғулотлар» дарслиги 2003 йилнинг энг яхши дарслиги деб, Республика танловида 3-даражали диплом билан тақдирланган. 1996 йил май ойида С.Касимова Халқаро муҳандислик академиясининг ҳақиқий аъзоси, 1996 йилнинг октябрь ойида – Россия табиий фанлар академиясининг хорижий аъзоси қилиб сайланган. Самарали меҳнатлари натижасида 2006 йилда «Дўстлик» ордени билан тақдирланди.

Илм соҳасидаги фаоллиги олимани бутун дунёга танитган, десак муболаға бўлмади. Қанчадан-қанча машҳур инсонлар билан таниш бўлиб, дўстлашиш имкониятига эга бўлганлар. Улар қаторидан Нобель мукофотининг совриндорлари Лайнус Полинг, академик Прохоров, биринчи аёл космонавт В.Терешковалар жой олган.

Меҳридарё устознинг шогирди бўлиш қалбларда ифтихор туйғусини уйғотади. Олиманинг илмий фаолияти, айниқса ёшлар, талабаларни қизиқтиради. Шу муносабат билан тиббий ва биологик кимё кафедрасининг ҳодимлари тез-тез учрашувлар уюштириб туради.

Ҳа, профессор Сталина Салиховна Касимова тиниб-тинчимас ўзбек олимаси. Олиманинг ҳаёт йўли, илмий олами ёш авлодни тарбиялашда намуна бўла олади.

**Хосият ТАДЖИЕВА,  
“Тиббий ва биологик кимё”  
кафедраси доценти**



## КОМИЛ ИНСОН ТАРБИЯЧИСИ

**Инсон умрини оқар дарёга қиёслашади. Бу фоний дунёда ҳар бир инсон учун лозим бўлган, аммо ҳар кимга ҳам насиб этавермайдиган икки мўътабар неъмат бор. Биринчиси камтарлик ва меҳнатсеварлик бўлса, иккинчиси эса халқнинг ишончи ва эътирофига эришиш бахтидир.**

1970-2009 йилларда ҳозирги Тошкент тиббиёт академияси (олдинги 1-Тошкент Давлат Тиббиёт институти) “Тиллар, педагогика ва психология” кафедрасини бошқарган инсон, педагогика фанлари номзоди, доцент Альвина Константиновна Мануилова ҳақида ҳам айнан шу сифатларни бемалол айта олишимиз мумкин.

1935 йилда туғилган филолог, педагогика фанлари номзоди Альвина Мануилова 1958 йилда Герцен номидаги Ленинград педагогика институтини тамомлаган. Рус тилини ўқитиш методикасига бағишланган номзодлик диссертациясини 1970 йилда ҳимоя қилган. 38 дан ортиқ илмий мақолалар нашр эттирган. Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан кўплаб фахрий ёрлиқлар билан тақдирланган.

Бугун нафақада қариллик гаштини сураётган А.Мануиловага чинакам зиёли, хушфёъл, тили билан иши бир, покиза инсон сифатида кўпчиликни ҳаваси келади. Инсонлар билан суҳбатлашиш маданияти, уни ўзига ишонтириш қобилияти, керакли сўзларни топиб, ўз ўрнида ишлатиш ҳаммининг ҳам кўлидан келавермайди. Энг асосийси у кишини ташкилотчиликда ҳам, оддий инсоний муносабатларда ҳам ниҳоятда диёнатли, одамларга яхшилик қилиб завқланадиган инсон сифатида ҳамкасблари ҳозиргача эътироф этади. Эзгулик нури ила йўғирилган чиройли ҳаёт йўлини босиб ўтган, юзидан нур аримайдиган, суҳбатдошини ҳар бир сўзини эътибор билан тинглайдиган, бир неча авлод шифокорларини тарбиялаб, бутун меҳнати ва ғайратини халқ саломатлигини муҳофаза қилишдек эзгу ишга сафарбар этган, саодатли умрнинг муҳим воситаси ҳисобланган вақт ва бахтнинг кадр-қимматини англаган ҳурматли ва меҳрибон устозимиз Альвина Константиновна бу йил 86 баҳорни қаршилайди. Зеро, инсон умрининг сарҳисоби унинг эзгу амаллари-ю фаолият қирралари билан ўлчанади. Фаолият қирралари эса йиллар давомида амалга оширилган машаққатли изланишларининг самарасидир. А.Мануилова умри давомида меҳрибон она, камтарин инсон, заҳматкаш устоз, малакали мураббий, фидойи ташкилотчи, чуқур билим ва иқтидорга эга бўлган педагог бўла олди. У кишининг инсонийлик, меҳрибонлик, фидойилик, жонкуярлик, бадийлик, ақлу заковат, меҳнатсеварлик, ташкилотчилик, халқ манфаатларини ўз манфаатларидан устун кўя олишлик каби ижобий хислатлари кўпчиликка ўрнак бўла олади. А.Мануилова тиббиётга педагогикани олиб кирган биринчи олима аёл сифатида тарихга кирди. “Педагогика ва психология” кафедраси дастлабки йилларда алоҳида кафедра сифатида фаолият кўрсатмаган бўлса-да, кафедра профессор

ўқитувчилари рус тили, чет тили, педагогика ва психология фанларининг замонавий муаммоларидан талабаларга сабоқ бериб келишган.

1970-2009 йилларда

А.Мануилова раҳбарлиги остида жуда кўплаб ибратли таълимий, тарбиявий ишлар амалга оширилди. Бу даврдан бошлаб нофилологик йўналишда таълим олаётган талабаларга рус тили ва педагогика-психология фанларини ўқитишни ташкил этиш, режлаштириш, бошқариш ва баҳолашнинг концептуал асослари ишлаб чиқилди. 1997-йилда рус тили кафедрасига педагогика ва психология йўналишлари бирлаштирилди. Қисқа вақт мобайнида тиббиёт олий таълим тизими учун педагогика ва психология йўналишидаги фанлардан намунавий дастурлар, жорий, оралиқ ва якуний назорат учун тестлар, маъруза матнлари ўқув услубий қўлланмалар ишлаб чиқилди ва нашр эттирилди. Бундан ташқари, А.Мануилова томонидан клиник фанларни ўқитишни ташкил этиш, замонавий педагогик ва ахборот технологиялардан фойдаланиш, таълим самардорлигига эришишда ўқитишнинг инновацион усулларида фойдаланиш масалаларига ўша даврдаёқ алоҳида эътибор қаратилди. Шу йўналишларда катта ҳажмдаги илмий, ўқув-услубий ишлар бажарилди, таълим стандартларини яратиш борасида самарали ишлар олиб борилди. Бунинг натижаси ўлароқ, педагогика, психология, таълим технологиялари ва педагогик маҳорат каби фанлардан ўқув услубий мажмуалар, ягона методик тизим, кўргазмали материаллар ҳамда уларнинг электрон нусхалари яратилди ва улардан кенг фойдаланиш йўлга қўйилди.

А.Мануиловани тиббиёт соҳасида малакали, иқтидорли илмий салоҳиятли шифокорларни тайёрлашда қўшган ҳиссаси, маънавий-маърифий ишларни такомиллаштириш, ёшлар онги ва қалбида маънавий фазилатларни камол топтириш, уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, илмга меҳр руҳида тарбиялаш ва республикаимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш йўлидаги эришган муваффақиятлари кўпчилик ёшлар учун ибрат намунасидир.

Тошкент тиббиёт академияси педагогик жамоаси, кафедра ходимлари республикаимизда тиббий таълим тараққиётига катта ҳисса қўшган А.Мануиловани академия равнақи учун қилган меҳнатларини ҳар доим юксак қадрлайди ва сиҳат-саломатлик, узоқ умр, бардамлик тилайди.

**Алишер САЪДУЛЛАЕВ,**  
“Педагогика ва психология” кафедраси катта ўқитувчиси



*Тинчлик-хотиржамлик – тараққиёт гаровидир*



## ХОТИРА УЙҒОНСА ГЎЗАЛДИР

Хотира сўзи – ўзбек тилини изоҳли луғатида эсловлар билан синоним равишда келтирилиб, ўтмишни, ўтган одамларни, бирор-бир санани эслаш, ёдга олиш кабилида қўлланилади.

Бутун умри, ҳаёти, фаолиятини тиббиётга бахшида этиб, Ўзбекистон тиббиётига муносиб ҳисса қўшган ва орамиздан охират сари кетган айрим устозларимиз ҳақида муборак хотира кунлари ара-

фасида сатрлар битишга жазм этдик. Зеро, инсон хотираси абадий, гарчи бу устозларимиз орамизда йўқ бўлсалар-да, улар томонидан битилган китоблар, дарсликлар, ўқув қўлланмалари ва монографиялар йўлчи юлдуз бўлиб ёшларимиз йўлларини ёритиб туради. Китоб ёзган олимнинг номаи аъмоли то рўзи маҳшаргача очиқ туриши ҳадиси шарифларда келтирилган.

### ИЛМ ВА ИЖОД ЧОРРАҲАСИДА

*“Яхшиликни чеҳраси очиқ одамдан изланг”  
Ҳадиси шарифдан*

**Нуфузли Академиямизда унинг шаъни ва шуҳратини нафақат республика, балки собиқ иттифоқ миқёсида кўтарган ҳақиқий олим ва раҳбарлар етарлича бўлган. Тиббиёт фанлари доктори, профессор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган врач, соғлиқни сақлаш тизимининг йирик ташкилотчиси, моҳир педагог Башир Ҳикматуллаевич Магзумов айнан ана шундай инсонлардан бири эди (Аллоҳ раҳматига олган бўлсин).**



Олим 1917 йилнинг 1 октябрида Тошкент шаҳрида хизматчи оиласида таваллуд топган. 1930 йили пойтахт азимда ўрта мактабни тугатиб то 1935 йилга қадар махсус тиббиёт билим юртида, ундан кейин эса 1941 йил Иккинчи жаҳон уруши бошлангунига қадар Тошкент Тиббиёт институтида таҳсил олган. Иш фаолиятини Тошкент шаҳридаги 4-болалар поликлиникасида оддий шифокор лавозимида бошлаган. 1941 йили Сирдарё вилоятининг Боёвутида бош шифокор сифатида ишини давом эттириб, ўзининг раҳбарлик, ташкилотчилик борасидаги чуқур салоҳияти ва юксак инсонийлик сифатлари туфайли вилоят Соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи лавозимига, кейинчалик Республика Сил касалликлари диспансери бош шифокори лавозимига ўтказилган. Ўз ўрнида ҳам чуқур ислохотлар ва самарали янгиликлар қилганлиги боис Тошкент Зардоб ва вакциналар тайёрлаш Институти директор лавозимига ўтказилган. Кейинчалик Республика Соғлиқни сақлаш вазири муовини лавозимига ўтказилиб, давлатимиз медицинасида кўплаб ислохотлар ўтказган. Ва ниҳоят давлат раҳбарлари томонидан унинг ишчанлиги, иқтидори ва лаёқати муносиб тақдирланиб, 1962-1966 йиллар мобайнида Соғлиқни сақлаш вазири лавозимига кўтарилган. Бу йиллари у республика аҳолиси саломатлигига салбий таъсир кўрсатувчи пахта яккаҳоқимлигининг асосий таркибий қисми бўлган дефолиантлар қўлланилишига қарши бир

неча бор чиқишлар қилиб, республика раҳбариятига ўз муносабатларини баён қилган. Унинг бевосита раҳбарлигида 1963 йили Қорақалпоғистон Республикасида моховни ўрганиш бўйича Республика Тери таносил касалликлари ИТИнинг филиали ташкил этилган. Шу билан бирга 1965 йилда мазкур ҳудудларда тарқалган вабо касаллигини камайтириш ва тўлиқ бартараф этиш бўйича бевосита раҳбарлик қилган. Умуман олганда бугунги кун медицинасининг тараққиёти, инсонлар умри сифати ва давомлиги бўйича қилган ишларини санаб адоғига етиш қийин. Профессор Башир Магзумов қайси соҳада фаолият юритмасин ўзининг салоҳияти, бошқариш услуби, илмий, мураббийлик, ташкилотчилик лаёқати билан алоҳида ажралиб турган. Домланинг узок йиллик педагогик фаолияти мобайнида минглаб билимли шифокорлар, олимлар, тиббиёт раҳбарлари тайёрланган, унинг бевосита раҳбарлигида 5 нафар фан доктори, 26 нафар фан номзоди тайёрланган. Шу билан бирга 120 дан ортиқ илмий рисоалар, мингдан ортиқ илмий мақола ва тезислар яратиб тиббий муаммолар ечимига алоҳида ҳисса қўшиб келганлар. Олим соғлиқни сақлаш амалиёти ва тиббиёт фани ривожига умрининг адоғига қадар ҳисса қўшиб яшади. Ван Тюльп ёзганидек, ўзи ёниб атрофни ёритди. Унинг қолдирган муносиб издошлари, шогирдлари, фарзанд ва неваралари бугунги кунда устоз ишини давом эттириб келмоқдалар.

1990 йили нафақага чиққан олим 1999 йилнинг 15 октябрида фоний дунёга рихлат қилдилар. Устознинг ёрқин хотираси, қилган савобли ишлари, юксак муомала маданияти, тиббий деонтология ва касб этикасига содиқлиги билан ёдимизда қолган.

Бугун Башир ака Магзумов орамизда йўқлар... Аммо улардан қолган бой адабий-илмий мерос ва қобил фарзандлар, солиҳ шогирдлар уларнинг ишларини бардавом этиб, қутлуғ номларини абадийликка йиғдириб турибдилар. Аллоҳнинг улуғ валийларидан бири Шайх Жалолиддин Румий вафотларидан аввал куйидаги мисраларни васият тарзида қолдирган эканлар:

*Мен ўлган кун дамо-дам чекмангиз ғам,  
Они ҳижрон куни деб ўйламанг ҳам.  
Бу ҳижронмас сира васли висолдир,  
Висолда ғам чекиш куфру уволдир.  
Қуёш ботса тагин бўлгуси пайдо,  
Тўқилса ерга дон бўлгай Ҳувайдо.*

Дарҳақиқат, олим бааъни бир куёш эди, у ботди, аммо эрта қайтадан уфқда пайдо бўлади. Устоз бир бошоқ буғдой каби эдилар, у тўқилди, аммо дон тушган қутлуғ заминдан минглаб бошоқлар эртага кўкаради. Уларнинг барчаси устознинг фарзандлари, шогирдлари, китоблари, илмий мерослари ва одамларга қилган яхшиликларидан тажаллий бериб турибди.

**Алижон ЗОҲИДИЙ,  
Республика Соғлиқни сақлаш аълочиси  
Қутбиддин НИЗОМОВ,  
Республика Соғлиқни сақлаш аълочиси**



**Машҳур олим, тиббиёт фанлари доктори, профессор Қамариддин Наджимутдинов ўзи суйган касбига қанчалик масъулият билан ёндашса, фарзандлари ва шогирдлари тарбиясига худди шундай жавобгарлик билан қарар эди.**

## СИЗ БУ ОЛИМНИ ТАНИЙСИЗ

К.Наджимутдинов 1931 йил 26 февралда Тошкент шаҳрида зиёли оилада туғилган. Мактабда ўқиш пайтида у тенгдошларидан меҳнатсеварлиги, билимга бўлган интилиши, илм-фан ютуқларига қизиқиши билан ажралиб турарди. 1949 йилда ўрта мактабни олтин медаль билан тугатгач, Тошкент тиббиёт институтининг даволаш факультетига ўқишга кириб, 1956 йилда имтиёзли диплом билан тугатди.

Институт Илмий Кенгаши К.Наджимутдиновга аспирантурани давом эттириши тавсия қилди, аммо у ўзлаштирилмаган чўл ерларга ёш мутахассис сифатида ишга борди. К.Наджимутдинов 7 йил давомида Боёвут ва Янгиер туманларида шифокор-ординатор, бўлим мудири, туман тиббий-санитария бош шифокори, туман тиббий-санитария бошқармаси бош шифокорининг даволаш ишлари бўйича муовини, кейинчалик ушбу бошқарманинг бош шифокори лавозимида ишлаган. Мирзачўлда дашт ерларни ўзлаштиришнинг оғир йилларида инсонлар саломатлигини сақлаш ва касалликлар профилактикасида эришган ютуқлари учун у халқнинг ҳурматида сазовор бўлди ва "Соғлиқни сақлаш аълочили" кўкрак нишони билан тақдирланди.

1962 йилнинг декабрида К.Наджимутдинов Тошкентга қайтиб келди ва Ўзбекистон Фанлар Академиясининг Ўсимликлар кимёси илмий-тадқиқот институтининг аспирантурасига ўқишга кирди ва Ўзбекистон ва Марказий Осиёда ўсувчи доривор ўсимликлар ва улардан олинган доривор моддаларни ўрганиш бўйича тадқиқотларни бошлади. 1966 йилда "Апогалантамин фармакологияси тўғрисида" мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди.

Аммо, К.Наджимутдиновда ўқув-тарбиявий ва педагогик фаолиятга мойиллик кучли эди. Шу сабабли 1966 йилда у Тошкент тиббиёт институти фармакология кафедрасида ассистент лавозимида ишлай бошлади. 1967 йилда у ушбу кафедранинг

доценти, 1974 йилда эса фармакология ихтисослиги бўйича докторлик диссертациясини ҳимоя қилди ва профессор унвонига сазовор бўлди. Шундай қилиб, у 16 йил давомида профессор Н.Компанцев ва И.Комилов каби таниқли фармакологларнинг раҳбарлиги остида ишлади ва яхши мактабдан ўтди.

1982 йилда тиббиёт муассасаларининг ўқув дастурларига янги фан – клиник фармакология киритилди. Уша вақтларда ушбу йўналишда мамлакатимизда тиббиёт фани ғарб мамлакатларидан орқада қолган эди. Даволаш самарадорлигини оширишга қодир юқори малакали шифокорларни тайёрлаш учун ушбу фанни жорий этиш зарур эди. К.Наджимутдинов ташаббуси билан тиббиёт таълимига клиник фармакология киритилди. Унинг ташаббуси билан, ҳатто клиник фармакология ўқув дастурига киритилгунга қадар, 1980 йилда ички касалликлар кафедрасида махсус курс ташкил этилди. Ушбу вазифани амалга оширишда институт ректори, Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиги, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, профессор У.Арипов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, Ўзбекистон Фанлар академиясининг мухбир аъзоси Р.Каценович ва курс раҳбари, тиббиёт фанлари доктори, профессор Н.Тулагановлар томонидан катта ёрдам кўрсатилди.

1982 йилда Тошкент Давлат тиббиёт институтида Клиник фармакология кафедраси ташкил этилиб, унга мудир этиб К.Наджимутдинов тайинланди. Кафедра учун янги ТошМИ клиникаси худудида 60 ўринли умумий терапия бўлими база сифатида ажратилиб, зарур ўқув қуроллари ва жиҳозлар билан таъминланди. Қисқа вақт ичида кафедра институтнинг етакчи кафедраларидан бирига айланди ва илмий излашлар бошланди.

К.Наджимутдинов институтда кўп йиллик фаолияти давомида ўқув-услубий фаолиятнинг асослари ва моҳиятини пухта эгаллаб, ушбу фаолиятнинг моҳир ижро-

чиси ва ташкилотчиси, кўплаб ёш ходимлар учун устоз бўлди. Кафедра мудири, факультет декан муовини, декан, ўқув ишлари бўйича проректор, ўқув ва услубий ишлар сифатини назорат қилиш хайъати раиси лавозимларида ишлаганида у ўзини ажойиб ташкилотчи сифатида кўрсатди. Тошкент тиббиёт институтида ўқув жараёнини шакллантириш ва ривожлантиришда К.Наджимутдиновнинг хизмати катта.

К.Наджимутдиновнинг илмий изланишлардаги ютуқлари ҳам улкан. Унинг шогирдлари билан биргаликда 30 йил давомида олиб борган илмий ишлари тиббиётнинг энг долзарб муаммоларидан бири – монооксигеназа ферментлар тизими (МОС) нинг фундаментал ва биокимёвий аҳамияти, унинг организм ҳаётидаги, шунингдек, турли хил касалликларнинг ривожланишидаги аҳамиятига бағишланган. У МОСнинг фундаментал асосларини ўрганиш билан чекланиб қолмасдан, олинган натижаларни клиник амалиётга татбиқ этиш билан ушбу муаммонинг амалий жиҳатларини ўрганишни бошлади ва муҳим илмий ва амалий натижаларга эришди. Кўп ўтмай, МОС муаммоси нафақат клиник фармакологлар, биокимёгарлар, патофизиологлар, балки бошқа клиник соҳа мутахассисларини ҳам қизиқтирди, шундан сўнг республикамизда МОС муаммолари бўйича К.Наджимутдинов номи билан боғлиқ мактаб пайдо бўлди.

Олимнинг илмий фаолиятидаги яна бир муҳим ютуқ МОС индукторларининг ўпкада сурфактант синтези ва секрециясига таъсир кўрсатадиган хусусиятларини аниқлашдир. МОС индукторларининг ушбу хусусияти кашф этилиши пульмонологлар, акушер-гинекологлар, неонатологлар ва педиатрларга даволаш самарадорлигини оширишга ёрдам берди ва янги илмий тадқиқот лойиҳаларига йўл очди. Тадқиқотлар натижасида олим ва унинг шогирдлари томонидан 7 та докторлик ва 31 та номзодлик диссертациялари ҳимоя қилинди,



монографиялар, 140 дан ортиқ илмий ишлари нашр этилди, 15 та патент ва муаллифлик гувоҳномалари олинди, бир қанча амалий тавсиялар чоп этилди, бензоналнинг янги фармакологик хоссалари ва унинг тиббий амалиётга татбиқ этилиши бўйича Фармакологик қўмитасининг якуний қарори қабул қилинди.

1967-1971 йилларда у даволаш факультети декан муовини ва чет эллик талабалар раҳбари, 1974-1980 йилларда стоматология факультети декани, 1980-1987 йилларда даволаш факультети декани, 1990-2000 йилларда Биринчи Тошкент тиббиёт институтининг ўқув ишлари бўйича проректори лавозимларида ишлаган, 2000 йилдан институт ректорининг маслаҳатчиси этиб тайинланган. К.Наджимутдинов деярли 20 йил давомида институтнинг ўқув-услубий ишларни назорат қилиш хайъатини бошқарган, 17 йил давомида ихтисослашган Илмий кенгашнинг раиси бўлган, бир неча бор институт қабул хайъати ишини ташкил этган.

Хулоса ўрнида айтиш керакки, профессор К.Наджимутдинов қайси йўналишда ишлаганини, у ҳар доим ишни қандай ташкил этишни билар эди, натижада унинг фаолияти нафақат кафедра ва институт, балки республика учун ҳам жуда муҳим бўлган илм-фан ривожини, ўқув-услубий, ташкилий ва тарбиявий ишларни такомиллаштириш учун ҳам муҳим натижаларга олиб келди. К.Наджимутдинов шогирдларининг ва у билан мулоқот қилиш имкониятига эга бўлганларнинг барчасининг катта меҳр-муҳаббат ва ҳурматига лойиқ эди. У камтарлиги, юксак одаб-ахлоқчилиги, адолат туйғуси, зиёлийлик ва билимдонлик, қалб кенглиги ва меҳрибонлиги билан ажралиб турарди.

**Д.АКБАРОВА,**  
"Клиник фармакология"  
кафедраси доценти



## ТИББИЁТИМИЗНИНГ БАРҲАЁТ СИЙМОЛАРИ

*Бугун орамизда сиз йўқсиз,  
Ва лек қалбимизда номингиз бордур.  
Шогирдларингиз орасида буюк эдингиз  
Сизни эрта йўқотдик устоз!*



**Тиббиёт фанлари доктори, профессор Абдуҷаббор Сатторович Бобоҷонов – таниқли фан арбоби, гигиенист, кўплаб шогирдлар устози, моҳир педагог сифатида танилган машҳур шифокорлардан биридир. Унинг номи тиббиёт жамоатчилиги орасидагина эмас, балки кўпгина соҳа эгалари орасида машҳур ва мўътабардир.**

Юқори малакали педагог, жуда кўплаб шогирдларнинг севимли мураббийси, фаол жамоат арбоби, камтар ва меҳрибон инсон профессор А.Бобоҷонов 1951 йил 21 августда зиёлилар оиласида туғилди. Устозимизнинг ҳаёт дафтарларини варақлар эканмиз, унда энг олийжаноб инсон сифатида, намунали меҳнат фаолияти ва илмий ютуқларини кўрамыз.

Абдуҷаббор Бобоҷонов ўз меҳнат фаолиятининг илк йилларидаёқ илмий педагогик ишларига зўр қизиқиш билан қаради. 1991 йилда Тошкент Давлат тиббиёт институти, Тошкент Давлат биринчи тиббиёт институти ҳамда Тошкент Давлат иккинчи тиббиёт институтларига бўлинди. 1991 йилдан бошлаб Тошкент Давлат биринчи тиббиёт институти «Ижтимоий гигиена ва соғлиқни сақлашни ташкил этиш» кафедрасига профессор Абдуҷаббор Бобоҷонов раҳбар этиб тайинланди.

А.Бобоҷонов 1974 йилда АДТИ даволаш факультетини тамомлади ва 1983 йилга қадар ўз фаолиятини врач-анестезиолог мутахассислиги бўйича Тошкент вилояти онкологик диспансерида олиб борди. Амалий фаолият билан бир қаторда илмий изланишларни ҳам олиб борган профессор 1978 йилда номзодлик диссертациясини «Влияние операционной травмы на некоторые показатели жирового, углеводного и белкового обмена у больных раком желудка и толстой кишки» мавзусида ҳимоя қилди.

1983 йилда олим ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси ССВ Санитария, гигиена ва касб касалликлари илмий тадқиқот институтида катта

илмий ходим лавозимида давом эттиради ҳамда 1988 йилда докторлик диссертациясини «Состояние и прогноз здоровья населения Среднеазиатского региона в связи с факторами окружающей среды» мавзусида ҳимоя қилади.

Унинг раҳбарлигида 6 та докторлик ва 18 та номзодлик диссертациялари тайёрланди. Олим гигиена, жамоат саломатлиги ва соғлиқни сақлашни ташкил этиш бўйича 150 дан ортиқ илмий, ўқув-услубий ишлар, шу жумладан, 3 та монография муаллифидир. Қатор йиллар давомида Биринчи ТошДавТИ илмий котиби, ОАК эксперти, «Гигиена ва соғлиқни сақлашни ташкил этиш» мутахассислиги бўйича Ихтисослашган илмий кенгаш аъзоси бўлиб фаолият юритди.


Олимнинг фаолияти давомида унинг бевосита иштироки билан ва раҳбарлигида кафедранинг ўқув, ўқув-услубий ва илмий фаолиятида муҳим ўзгаришлар юз берди. Ўзининг тажрибаси, билими ва фидойилиги туфайли А.Бобоҷонов кафедра ходимлари ва институт раҳбарияти орасида муносиб обрў-эътибор ва ҳурматга сазовор бўлган.

Ҳурматли устозимиз 2011 йил февраль ойида вафот этдилар. А.Бобоҷоновнинг ёрқин хотираси доимо республикамиз тиббиёт жамоатчилиги ва унинг шогирдлари хотирасида абадий сақланиб қолади.

**Г.ХУДАЙКУЛОВА,  
тиббиёт фанлари доктори,  
Ш.АБДУРАШИТОВА,  
катта ўқитувчи**



*Хотира ҳамиша муқаддас, қадр азиздир*





## ОРЗУЛАРИ БИСЁР ЭДИ...

**Жиззах вилоятининг сўлим Бахмал туманида 1972 йил 19 апрелда туғилиб, улғайган Хасан Абдусаматович Маматқуловнинг болалик орзуси шифокор бўлиш эди. Бу қутлуг орзу уни 1990 йили 1-Тошкент Давлат Тиббиёт институтига ўқишга етаклади. Институтда ўқиган йилларида ҳам у билимга чанқоқлиги, барча фанларни қизиқиш ва иштиёқ билан ўзлаштириши билан бошқа курсдошларидан ажралиб турарди. Шу билан бирга фаол талаба сифатида тенгдошлари ҳамда устозларининг ҳурматини қозонганди.**



У 1996 йили 1-ТошДавТининг даволаш факультетини тамомлагач, 1996-1998 йиллари “ички касалликлар” бўйича клиник ординатурада, 1998-2001 йиллари аспирантурада таҳсил олди. Илмга чанқоқ бўлғуси олим 2001 йилда профессор А.Аляви раҳбарлигида “Эссенциал гипертонияли беморларни даволашда ирбесартан ва эналапрининг марказий ва периферик гемодинамикага, жисмоний юкламанинг толерантлигига ҳамда чап қоринчанинг ремоделлаш таъсирини қийёсий баҳолаш” мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди. Ёш мутахассисга институт ректорати катта ишонч билдириб, 2001 йилдан институтнинг факультет ва госпитал терапия кафедрасида ассистентлик лавозимида олиб қолди. Уша йилдан бошлаб иқтидорли Хасан Абдусаматовичнинг илмий педагогик фаолияти бошланди. 2009 йилдан бошлаб эса доцентлик лавозимида фаолият кўрсатди. Талабаларга факультет ва госпитал терапия фанларидан чуқур билим бериш билан бир қаторда ёш олим миокард инфаркти ўтказган беморларда чап қоринча структурасининг қайта тузилиши бўйича илмий изланишлар ҳам олиб борди ва шу мақсадда 2009-2011 йиллари ўз илмий ишини докторантурада давом эттирди. 2011 йилнинг декабрида “Диагностика, прогнозирование, фармакотерапия обратимой дисфункции и ремоделирование ЛЖ после острого инфаркта миокарда” мавзусида докторлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя этди.

Х.Маматқулов 2012 йилдан 2015 йилгача Тошкент тиббиёт академиясининг тиббий педагогика факультетининг факультет ва госпитал терапия, халқ табobati ва стоматология факультетининг ички касалликлар кафедраси мудири лавозимида фаолият

кўрсатди. Унинг педагогик фаолияти ўз моҳиятига кўра ижодий характерга эга эди. Маълумки, педагогик ижодкорлик манбаи – бу педагогик тажрибадир. Ҳозирги замон фан ва техника тараққиёти ўқитувчининг ижодкор бўлишини, фан ютуқларини талабага етказа олиши ва ниҳоят талабани ҳам ижодий фикрлаш, илмий-тадқиқот ишларини ўргата олиши талаб қилади. Олим бошчилигида кафедранинг ходимлари факультет ва академия миқёсида таълим-тарбия сифатини ошириш, таълим тизимида илғор замонавий педагогик ва ахборот технологияларини кенг жорий этиш, илмий салоҳиятни оширишга ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшишди.

2015 йилда Хасан Абдусаматовичга яна бир юксак ишонч билдирилиб, у Тошкент тиббиёт академиясининг Фарғона филиалига директор этиб тайинланди. Бу вазифада фаолият кўрсатиш мобайнида унинг моҳир ташкилотчи, билимдон мутахассис, талабчан устоз сифатида кўп қирралари очилди: филиалнинг моддий-техника базаси яхшиланди, илмий изланишлар кенгайди, таълим-тарбия сифати яхшиланди. Масъулиятли вазифада ишлаш баробарида Хасан Абдусаматович кўплаб илмий ишларни амалга оширди, жумладан у 150 га илмий ишларнинг: хорижий ва республика миқёсидаги илмий мақолаларнинг, тезислар, патентлар, услубий тавсияномалар, ўқув-усlubий қўлланмаларнинг муаллифи эди.

2017 йилдан Хасан Абдусаматович амалий ишга ўтиб, Тошкент шаҳридаги “ЖЕКСОФТ” хусусий клиникасида беморлар дардини енгиллаштиришга, улар соғлиғини тиклашда зукко кардиолог сифатида ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келмоқда эди. Афсуски касаллик туфайли бевақт ўлим орзулари ўзи каби беғубор бўлган

Хасан Абдусаматовични навқирон ёшда 2020 йил июль ойида орамиздан олиб кетди. Унинг орзулари бисёр эди: у кўплаб шогирдлар тайёрлаш, илмий изланишлар кўламини кенгайтириш, юрак қон-томир касалликларнинг олдини олиш учун бир қатор вазифаларни амалга оширишни ўз олдига мақсад қилиб қўйганди...

Иқтидорли олимнинг оиласи ҳам ҳавас қилгулик ибратли оилалардан бири эди. Унинг турмуш ўртоғи ҳозирда Яккасарой туманидаги 8-туғруқ мажмуасида акушер-гинеколог сифатида фаолият кўрсатаётган Фаридахон турмуш ўртоғини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш билан биргаликда улар бир-биридан ширин, солиҳ тўрт фарзандни тарбиялаб келишаётган эди. Фарзандларнинг учтаси ота-оналари касбини танлашди. Ҳозирда тўнғич фарзанд Абдоржон ва катта қизи Ирода Тошкент тиббиёт академиясининг даволаш факультетида грант асосида ва кичик қизи Гулчеҳра Тошкент педиатрия тиббиёт институтида таълим олмоқда. Хасан Абдусаматовичнинг амалга ошмаган ниятларини рўйбга чиқарувчи, унинг фаолиятини келгусида давом эттирувчи ақлли, зукко фарзандлар бўлиб улғаяётганлиги кўнгилларга бир оз бўлсада таскин беради...

Ёш бўлса-да, аммо, ўзининг серқирра фаолияти туфайли ўзи фаолият кўрсатган Тошкент тиббиёт академияси ва “ЖЕКСОФТ” хусусий клиника шифокорлари жамоаси хотирасида бутун умри мазмуни ўз касбига садоқат, ҳурмат билан йўғрилган Хасан Абдусаматович Маматқуловнинг порлоқ ёди сақланиб қолади...

Зотан, яхшилар ёди, улар хотираси муқаддасдир...

**Шоира ҚОДИРОВА,  
Тиббий-педагогика факультети  
катта ўқитувчиси**



*Аجدодлар матонати ва жасорати авлодлар учун  
намунадир*



## ҲАМКАСБИМ ВА ДЎСТИМНИ ЭСЛАБ

**2020 йил COVID-19 пандемияси сабабли бутун дунё жумладан, Ўзбекистон аҳолиси учун ҳам оғир йил бўлди. Ушбу касаллик ва унинг оғир асоратлари оқибатида барча мамлакатларда беморлар аҳволи ёмонлашди ва кўплаб инсонлар оламдан ўтди.**

Кафедрамизда ҳам катта жудолик юз берди. Бевақт ўлим дўстимиз, ҳамкасбимиз, истеъдодли педагог ва тажрибали шифокор, ажойиб инсон Абдунаби Разиковни орамиздан олиб кетди.

А.Разиков 1958 йили Тошкентда зиёлилар оиласида таваллуд топган. Андижон давлат тиббиёт институти ташкил қилиниши муносабати билан оталари Абдурашид домлани тажрибали педагог сифатида ўқув жараёнини тезроқ йўлга қўйиш мақсадида Андижонга кафедра мудир лавозимига ишга юборишади. Абдунаби Абдурашидович Андижон шаҳрида ўрта мактабда ўқишни давом эттиради ва уни аъло баҳолар билан тамомлайди. Ота изидан бориб 1975 йилда Андижон давлат тиббиёт институтига ўқишга кириб, 1981 йилда муваффақиятли якунлайди. Ундан сўнг клиник ординатурада таҳсил олиб, 1993 йилга қадар институтни ички касаллик кафедрасида ассистент лавозимида фаолият кўрсатди.

1993 йилда Абдунаби Абдурашидович профессор А.Гадаев раҳбарлигида I Тошкент давлат тиббиёт институтида янгидан ташкил этилган ва кейинчалик умумий амалиёт врач тайёрлаш кафедрасига айлантирилган даргоҳга ишга таклиф этилди. Ушбу кафедрадаги фаолияти давомида у профессор А.Гадаев раҳбарлигида мохир педагог ва истеъдодли шифокор бўлиб етишди. Аввал Абдунаби Абдурашидович юқори курс талабаларига, сўнгги йилларда эса кардиология йўналишидаги магистрларга дарс берди. Уларда юксак педагогик маҳорат билан бирга оддийлик, камтарлик ва меҳрибонлик мужассамлашган эди. Бу хусусиятлар Абдунаби Абдурашидович талабалар, ходимларга беминнат моддий ёрдам кўрсатишларида яққол намоён

бўларди. Шунинг учун аксарият талабалар домланинг гуруҳида билим олиш учун интилиши табиий бир ҳол эди. Узоқ йиллик биргаликдаги фаолиятим даврида бирор марта ҳам Абдунаби Абдурашидовични ҳамкасблари, талабалар ва беморлар билан баланд оҳангда гаплашганини эслаш олмайдиман.

Ҳозиржавоб, меҳнаткаш, меҳрибон инсон ҳеч кимдан ўз ёрдами аямасди, Республикамининг қатор ҳудудларида хизмат сафарларида бўлиб, тиббиёт олийгоҳларида ўқув жараёнини яхшилашда, беморлар кўригида фаол қатнашиб ўз ҳиссасини қўшган.

2000 йилдан бошлаб кафедрамиз қошида талабалар учун “ЭКГ” бўйича тўғарак ташкил этдик. Мен тўғаракка раҳбарлик қилишни Абдунаби Абдурашидовичдан илтимос қилдим. Зукколик билан қилган раҳбарлиги натижасида тўғарак иштирокчилари сони йил сайин кўпайиб бориб, нафақат I ТошМИ, балки бошқа тиббиёт институтларининг талабалари ҳам қатнаша бошлади.

Тошкент тиббиёт академияси ташкил этилгандан сўнг тўғарак аъзоларининг сони кескин ошиши муносабати билан машғулотлар бир неча гуруҳларга бўлиб олиб борилди. Тўғаракни юқори курс талабалари ва амалиётда ишлаётган шифокорлар орасида бундай оммалашиб кетишининг асосий сабаби Абдунаби Абдурашидовични кўпчилиги учун мураккаб ҳисобланган ЭКГни содда, биринчи синф болаларига алифбони ўргатгандек тушунтиришида эди. Кафедрамизда тўғарак ўтиш жараёнидаги кўп йиллик тажрибаларимиз ва кузатувларимиз асосида Абдунаби Абдурашидович ҳаммуаллифлигида Ўзбекистонда илк бор ўзбек тилида “Амалий электрокардиография” номили китоб кўп нусхада нашр қилинди.



Айни пайтда ушбу қўлланма магистр – кардиологлар, амалиётда ишлаётган шифокорларнинг доимий ҳамроҳига айланган. Республикамиздаги кўп сонли шифокорлар Абдунаби Абдурашидовични устози деб билади. Бунга сабаб уларни кўпчилиги улардан нафақат “ЭКГ” балки ички касалликлар сирларини ўрганганлар.

Клиникамиз кенгайиб кардиореконструкция бўлими ташкил қилингандан сўнг тажрибали шифокор сифатида ушбу бўлимга даволаш ишлари бўйича жавобгар этиб тайинланди. Бу даврда Абдунаби Абдурашидович ўнлаб ёш шифокорлар ҳамда кардиолог магистрларга устозлик қилди. Ҳозирги вақтда нафақат бизнинг кардиореконструкция бўлимида ишлаётган шифокорлар балки бошқа қатор тиббиёт муассасаларида фаолият кўрсатаётган шифокорлар ҳам Абдунаби Абдурашидовичнинг мактабида таҳсил олган. Улар амалиётда кўп учрайдиган оғир касалликлар, жумладан, миокард инфаркти, ритм бузилишлари ҳамда бошқа қатор оғир ҳолатларда беморларга тўғри ташхис қўйиш ва даволаш сирларини Абдунаби Абдурашидовичдан ўрганганлар.

Абдунаби Абдурашидович жуда камтарин инсон, юқори савиядаги шифокор бўлиши билан бир қаторда юксак педагогик маҳоратли ва истеъдод эгаси ҳам эдилар. Улар мунтазам ўз устида ишлар, ўқиб-ўрганар, доимо тиббиёт оламидаги янгиликлардан хабардор бўлиб турарди.


Дўстим А.Разиков жисмонан орамиздан кетган бўлса ҳам ҳамкасблари ва кўп сонли шогирдлари қалбида абадий яшаб қолади.

**А.ГАДАЕВ,  
профессор**



## ВАҚТ ИЗМИГА БЎЙСУНМАГАН ШИЖОАТ

*Ҳар лаҳза замонлар умридек узун,  
Асрлар тақдири лаҳзаларда ҳал,  
Умрдан ўтажак ҳар лаҳза учун  
Қудрат қўли билан қўйлик ҳайкал.*



**“Инсон ҳаётидаги вақт нима?” деган саволга донолар шундай жавоб берганлар: Вақт – гўё ҳаёт кийими тўқиладиган иплар бўлиб, унинг пишиқ ва нафислигига қараб ҳаёт азиз ҳамда бебаҳо бўлади. Иплар қанчалик сифатли ва тартибли бўлса, ҳаёт шунчалик мазмунли ва ҳаловатли кечади.**

Келажак авлод инсон ҳаётига баҳо берар экан, унинг қанчалик узунлигига эмас, балки қанчалик мазмунга эга эканлигига эътибор қаратади. Шунинг учун инсон дунёга келибдики ўз ақлзаковати ва меҳнати билан инсоният тарихида ўзига хос из қолдиришга ҳаракат қилади. Шундай инсонлар борки ҳаётга чاقмоқдек кириб келади ва қисқа вақт мобайнида ўз шижоати билан сермазмун ҳаёт кечиради, лекин афсуски дунёни эрта тарк этади. Ана шундай вақт измига бўйсунмаган инсонлардан бири устозимиз ва ҳамкасбимиз Муножат Кулманова Усмановнадир.

М.Кулманова 1978 йил 9 ноябрда Тошкент шаҳрида зиёли оиласида таваллуд топди. Отаси Усмон ака узоқ йиллар ҳозирда Тошкент тиббиёт академияси деб аталувчи даргоҳда талабаларга математика ва информатика фанидан дарс бериш билан бир қаторда турли масъул лавозимларда ишлаб, меҳнат жамоаси орасида ҳурматга сазовор инсон эдилар. Онаси Маърифатхон ая стоматолог бўлганлар. Ота ва онасига ҳавас қилган ёш Муножатхоннинг қалбида шифокор бўлиш орзуси уйғонди. 1995 йил ўрта мактабни тамомлаб ҳужжатларини Иккинчи Тошкент Давлат тиббиёт институтига топширди ва имтиҳонлардан муваффақиятли ўтиб, ўзи танлаган йўналиши бўйича талаба бўлди. Талабалик йиллари давомида тиббиёт илмига қизиқиши ва иқтидорлиги билан тенгдошлардан ажралиб турар ва айниқса талабалар илмий жамиятининг фаол аъзоси эди. 2001 йилда ўқишни битиргач, ундаги

интилувчанлик ва илмга чанқоқликни фаҳмлаган устозлари уни институтнинг биоорганик ва биологик кимё кафедрасига ассистент лавозимига таклиф қилишди. Тўрт йил давомида тиббий педагогик маҳоратини ва биокимё фанидан билимини айнан шу кафедра бойитди ва мукамалликка интилувчи ёш олима 2005-2007 йиллар мобайнида эндиликда Тошкент тиббиёт академияси деб аталувчи олийгоҳда лаборатория ташхиси мутахассислиги бўйича магистратурани тамомлади. Шу йилнинг ўзида ўз кафедрасига қайтиб келиб педагогик фаолият билан биргаликда номзодлик диссертациясини ҳимоя қилиш бўйича илмий изланишларини олиб борди ва профессор Р.Сабинова раҳбарлигида 2009 йилда “Состояние защитного барьера желудочно-кишечного тракта при гелиотриновом гепатите и пути его коррекции” мавзусида номзодлик диссертациясини ёқлади. М.Кулманова ташкилий ишларда ҳам фаоллигини кўрсатиб “Тиббий биокимё” мутахассислиги бўйича магистратура йўналиши очилишида қатнашди ва унда талабаларга дарс бера бошлади. Ундаги ташкилотчилик ва илмий салоҳиятни фаҳмлаган академия раҳбарияти ёш бўлишига қарамасдан 2012 йилдан Тиббий ва биологик кимё кафедрасига мудир қилиб тайинлади.

М.Кулманова шу лавозимда умрининг охирига қадар фаолият олиб бориб, биологик кимё фанига бўлган талабаларнинг қизиқишини орттиришга эришди. Фанни ўргатишда турли педагогик усулларни ишлаб чиқиб,

2015 йил олий таълим муассасалари ўртасида ўтказилган “Йил ўқитувчиси” Республика танловида ғолиб чиқиб, биринчи ўринни эгаллади.

Шу билан биргаликда 2016 йили “Роль факторов апоптоза для реализации защитно-барьерной функции слизистой оболочки желудка и кишечника при сальмонеллезной инфекции и хроническом гепатите” мавзусида докторлик диссертациясини муваффақият билан ҳимоя қилиб, тиббиёт фанлари доктори илмий даражасига эга бўлди. 2017-2018 йиллар давомида Тошкент тиббиёт академияси Тиббий профилактика факультети декани лавозимида ишлади ва ўз илмий йўналишида ёш олимларга илмий раҳбарлик қила бошлади.

Аммо бедаво дард ёш олиманинг ўз шогирдлари камолини кўришига тўсқинлик қилди. 2021 йил 18 февраль куни истеъдодли олима, серғайрат ташкилотчи ва меҳнатсевар инсон Муножат Кулманова Усмановна бевақт вафот этди. Қисқа умри давомида олима 2 нафар шогирд тайёрлади, 3 та дарслик, 1 та монография, 1 та ўқув қўлланма ва 100 дан ортиқ илмий мақола ва рисоалар нашр қилди. Ҳозирги кунда устознинг илмий изланиш ишларини шогирдлари давом эттириб, улар ҳам ўз устозларига муносиб шогирд бўлишга интилиб келмоқдалар.

**Р.САБИРОВА,**  
**“Тиббий ва биологик кимё”**  
**кафедраси профессори,**  
**О.МУЙДИНОВ,**  
**“Тиббий ва биологик кимё”**  
**кафедраси катта ўқитувчиси**



## ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ БЎЙИЧА ҚУЙИДАГИ ВАКАНТ БЎШ ИШ ЎРИНЛАРИГА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ: (2021 йил апрель)

### Катта ўқитувчи

1. Даволаш факультетига қарашли “2-сон акушерлик гинекология” кафедраси

### Ассистент

1. Даволаш факультетига қарашли “Асаб касалликлари кафедраси, тиббий психология ва психотерапия курси билан” кафедраси

2. Даволаш факультетига қарашли “1-сон факультет ва госпитал жарроҳлик” кафедраси

3. Малака ошириш факультетига қарашли “Болалар касалликлари пропедевтикаси” кафедраси

4. Тиббий профилактика факультетига қарашли “Информатика ва биофизика” кафедраси

5. Тиббий профилактика факультетига қарашли “Тиббий ва биологик кимё” кафедраси

6. Олий маълумотли ҳамшира факультетига қарашли “Аллергология, клиник иммунология ва ҳамширалик иши” кафедраси

**Ҳужжатларни қабул қилиш муддати бир ой эълон қилинган кундан бошлаб, ректоратнинг девонхона бўлимига топширилади.  
Манзилимиз: Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2-уй.**

## “АВИЦЕННА ИЗДОШЛАРИ” НОМЛИ БИРИНЧИ ХАЛҚАРО ОЛИМПИАДА ЎТКАЗИЛМОҚДА

**Тошкент тиббиёт академиясида тиббиёт олий ўқув юртлири талабалари ўртасида онлайн тарзда “Авиценна издошлари” номли биринчи халқаро олимпиада бўлиб ўтмоқда.**

Мазкур олимпиадани ташкил этишдан мақсад, талабаларнинг фанларни ўзлаштириш даражасини аниқлаш, касбий маҳоратини ошириш, назарий ва амалий машғулотлар жараёнида олган билим ва кўникмаларини мустаҳкамлаш, улар тафаккуридаги ижодий ўсишни рағбатлантиришдир. Шунингдек, тиббиёт олий ўқув юртлири талабаларига замонавий тиббиёт билан бир қаторда миллий тиббиётимизнинг

асрлар оша сайқалланиб келаётган надири мероси, хусусан Абу Али ибн Сино таълимоти борасидаги билимларни чуқур ўргатиш мақсад қилинган.

Ушбу олимпиада талабалар ўртасида фундаментал фанларни оммалаштириш, ўқув-амалий машғулотлар орқали уларнинг махсус фанларга бўлган қизиқишини ошириш имкониятини кенгайтириши билан аҳамиятлидир.

Икки босқичли олимпиадада 600 нафарга яқин талаба иштирок этаётган бўлиб, уларнинг 124 нафари чет эллик талабалардир.

Олимпиада “ички патология”, “махсус клиник мавзулар”, “жарроҳлик”, “репродуктив саломатлик ва педиатрия”, “тиббий биология”, “асосий фанлар”, “тиббий ва профилактик мавзулар” секцияларига киритилган фанлар бўйича ўтказилмоқда.

Жараёнларни халқаро миқёсдаги тажрибали мутахассислардан иборат ҳакамлар ҳайъати баҳолаб бормоқда.

**Моҳигул ҚОСИМОВА,  
ЎЗА**

MUASSIS:  
**TOSHKENT  
TIBBIYOT  
AKADEMIYASI**

MUHARRIR  
**TURDIQUL  
BOVOMURATOV**

TAHRIR HAYATI:  
Q.Nizomov (Bosh muharrir o'rinbosari),  
O.Hazratov, A.Zohidiy, D.Norgulov,  
L.Abduqodirova, M. Hasanova

Gazeta Pentium-IV  
kompyuterida sahifalandi va Toshkent  
Tibbiyot akademiyasi RISOGRAFida  
400 nusxada chop etildi.  
Manzilimiz:  
Toshkent shahri, Farobiy  
ko'chasi, 2-uy  
**Nashr uchun ma'sul**  
Q.Nizomov

Gazeta Toshkent Matbuot va axborot  
boshqarmasida 2007-yil 15-yanvarda  
02-0049 raqam bilan ro'yxatga olingan

Mualliflar fikri tahririyat nuqati nazaridan farqlanishi  
mumkin. Maqolalardagi ma'lumotlar uchun  
mualliflar javobgardir  
Бепул тарқатилади